

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар



19:03 / 30.09.2025 929

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг илк нозил бўлган оятида шундай марҳамат қилади:

«Ўқинг (Эй, Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан!» (Алақ сураси, 1-оят).

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига бешикдан қабргача илм излашни буюрганлар. Чунки илм руҳнинг озуқасидир. Инсоният илм билангина Аллоҳни танийди, ҳақиқий саодатни қўлга киритади, унинг шарофати билан юксалади.

Илм олишдаги энг масъулиятли ва оғир меҳнат устознинг саъй-ҳаракати, ғайрати ва матонати билан амалга ошади.

Устозлар тарқатган илм уларнинг вафотидан кейин ҳам савоб келтираверади.

Ҳар бир инсоннинг комил шахс бўлиб вояга етишида, етук касб эгаси бўлиб жамиятда ўз ўрнини топишида устоз-мураббийларнинг ўрни жуда ҳам муҳимдир.

Шунингдек, жамиятнинг маънавий-маърифий даражаси ҳам устоз ва мураббийларга бўлган муносабатга қараб баҳоланади.

Islom.uz портали жамоаси барча устоз ва мураббийларни умумхалқ байрами 1 октябр Устозлар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади. Барчангизга сихат-саломатлик, бахт-омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайди. Азиз устозлар, сиз сабабли минглаб инсонлар ўз йўлини топадилар, илм зинапояларидан кўтариладилар, эртанги кунга умид билан қарайдилар. Сизларнинг илм-маърифат зиёсини таратишдек вазифангиз шу қадар савоби улуғ амалки, ҳатто борлиқдаги ҳамма нарса ҳаққингизга дуо қилиб туради. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмонлару ер аҳли, индаги чумоли, ҳаттоки, денгиздаги балиқ ҳам одамларга яхшилиқни таълим берувчига салавот айтадилар», деганлар.